

Малайзияда юртимиздаги диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди



13:03 / 26 октябрь 378

Айни вақтда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби раҳбар ва ходимларидан иборат делегация Малайзия сафарига бўлиб турибди.

Делегация аъзолари Малайзия халқаро ислом университетига ташриф буюриб, университет фаолияти, жумладан, таълим тизими билан яқиндан танишдилар. Учрашув давомида университет талабалари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Унда юртимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар, олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларининг фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Малайзия халқаро университети томонидан Имом Бухорий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик

меморандумини имзолаш таклифи илгари сурилди.

Манба: @iaa_official